

Аналитическая информация по основной деятельности Комитета Республики Узбекистан по автомобильным дорогам за I квартал 2019 года (текст документа приведен на государственном языке)


Т/р	Асосий фаолият тури бўйича кўрсатчилар	Ўлчов бирлиги	2018 й 1-чорак амалда	2019 й 1-чорак амалда	2018 йилнинг I-чорагига нисбатан(%)
	Бажарилган иш хажми, жами шу жумладан:	млрд.сўм	449,6	598,4	133,1
1	Инвеститсия дастури бўйича	млрд.сўм	74,7	202,0	270,4
2	Тўла таъмирлаш ишлари	млрд.сўм	8,3	55,8	672,2
3	Минтақавий йўлларни таъмирлаш ("Вилоят минтақавий йўлларга буюртмачи хизмат" ДУКлар буюртмаси билан)	млрд.сўм	19,8	23,4	109,2
		км	210	226	104,5
4	Умумий фойда ланувдаги автомобил йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари	млрд.сўм	346,8	317,2	91,4
		км	480	368	76,6
5	Саноат ишлаб чиқариш	млрд.сўм	43,6	64,8	148

хажми					
6	Янги ишжойларини яратиш	киши	124	42	33,9
7	Қора металл чиқиндилигини топшириш	тонна	3975	3980	100,1

Қўмитатизимидағи корхона ва ташкилотларда 2019йил I-чорагидаги инвестиция дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 202,0 млрд.сўмлик қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу кўрсаткич 2018 йилнинг 2019 йилга нисбатан 270,4 фоизни ташкил этади.

Бунданташқари тўла таъмирлаш дастурига асосан умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 55,8 млрд.сўмлик таъмир ишлари бажарилди. Букўрсаткич эса ўтган йилга нисбатан 672,2 фоизни ташкил қиласди.

2018-2019 йилларнинг I-чорак якунларига кўра асосий фаолият кўрсатгичларининг тақослама диаграммаси



2019 йил I-чорак якунибўйича Республика миздаги 226,0 км минтақавий автомобиль йўлларини таъмирланди. Шужумладан, Қорақалпогистон Республикасида 9,4км, Андижонда 71,0 км, Бухорода 9,8км, Жиззахда 9,6 км, Қашқадарёда 3,7 км, Навоийда 20,3 км, Наманганда 9,7 км, Самарқандда 35,4 км, Сурхандарёда 12,0 км,

Сирдарёда 5,4 км Тошкент вилоятида 4,7км, Фаргонада 17,8 км, Хоразмда 11,5 км ҳамда Тошкент шаҳрида 5,8 км минтақавий автомобильйўларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Минтақавий ички йўллар таъмири ҳажми ўтган йилга нисбатан 107,6 фоизни ташкил этади.

2019йил I-чорак якунига кўра минтақавий автомобиль йўлларини таъмирлаш (худудлар кесимидағи диаграмма)



2019 йил I-чорак давомида Республика бўйича автомобиль йўлларида 42695 км узунликдаги йўллардан 317,2 кмдан иборат қисмидажорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларнинг ҳолати яхшиланди. Бу эса 2018 йилига қараганда 91,4 фоизни ташкил этади.

Қўмита тизимидағи корхонлар томонидан 2019 йилда 64,8 млрд.сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Мазкур кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 148 %ни ташкил этганлигини кўрсатади.

Тизим корхонлари томонидан 2018 йилда 42 та янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткич эса 2018 йилининг мосравишдаги тегишли даврига қараганда 33,9фоизни ташкил этади.

Корхонлар томонидан қора металл чиқиндилари топширишкўрсаткичи 2019 йилнинг I-чорагида 3980тоннани ташкил этади. Бу қарийбўтган йилги даражада қолиб, камайишга йўл қўйилмаган.

Хулосақилиб айтганда, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг 2019 йил I-чорагида – умумийбажарилган ишлар хажми – 598,4 млрд.сўмликдан иборат. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 133,1 % ни ташкил этганлигини кўрсатади.